

Беруний туманида Ерниязов Муса Тажетдинович хотирасига бағишлиған таъзия маросими бўлиб ўтди

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Давлат арбоби Ерниязов Муса Тажетдинович хотирасига бағишлиған маросим Беруний тумани ҳокимлигига бўлиб ўтди. Буюк инсон хотирасига гулчамбар қўйилиб, ҳурмат бажо келтирилди, Қуръон тиловат қилиниб ўтганлар руҳига дуо қилинди.

Image not found or type unknown



Ерниязов Муса Тажетдинович 2002 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раиси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси ўринбосари эди. То умрининг охиригача диёримизнинг янада гуллаб-яшнашида, фуқароларнинг тинч ва осуда хаёт кечиришида, катта бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Отанинг умри давомидаги ишлари бугунги ёшларимизга ўрнак бўлиб ватанпарвар, мард, юрт ўғлонларининг камол топишида ҳақиқий мактаб вазифасини ўтайди. Инсон хаётга бир маротаба келиб яшар экан, ўзидан яхши ном, ўчмас из қолдиришни ният қиласди. Юрт отаси мана шундай яхшилик кўйчиси, халқпарвар ҳақиқий қорақалпоқ фарзанди эди.

Image not found or type unknown



Бугун тумандаги оқсоқолнинг яқин дўстлари, корхона ва ташкилотлар, кенг жамоатчилик ташриф буюриб, буюк давлат арбобини ёд этдилар. Яхшиларни эслаш, руҳини шод этиш, инсонийлик фазилатларининг биридир. Юрт отасининг хотираси қалбларда мангу сақланади.

Image not found or type unknown



Беруний туманида Ерниязов Муса Тажетдинович хотирасига бағишлиған маросим эртага ҳам давом этади.

Беруний тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.